



ЖИНОЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ТУШУНЧАСИ

Давлетов Бунёдбек Кахраманович

Ўзбекистон Республикаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18741295>

Аннотация: Мазкур илмий мақолада банк тизимида жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш схемалари ҳамда уларни аниқлаш ва бартараф этиш усулларининг назарий, ҳуқуқий ва амалий масалалари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил асосида тадқиқ этилган. Тадқиқот банк соҳасида молиявий хавфсизликни таъминлаш, жиноий даромадларнинг иқтисодиётга кириб келишига қарши самарали механизмларни шакллантиришга қаратилган.

Калит сўзлар: банк, банк тизими, легаллаштириш, жиноий даромад, молиявий операциялар, жиноий фаолиятдан олинган даромадлар, терроризмни молиялаштириш, легаллаштириш схемалари.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларнинг изчил амалга оширилиши, банк-молия тизимининг либераллашуви, халқаро молия бозорларига интеграция жараёнларининг фаоллашуви шароитида жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мамлакатда рақамли банк хизматларининг кенг жорий этилиши, халқаро пул ўтказмалари ҳажмининг ортиши ва хусусий сектор фаоллигининг ошиши бир томондан иқтисодий ўсишни таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан молиявий жиноятлар хавфини ҳам оширмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу борада кўплаб чоралар ташаббускори сифатида ислохотларни мунтазам илгари сураётганлиги мазкур масалани юртимиз ривожига нақадар салбий маънода дахл қилиш имконияти мавжудлигини англатади. Хусусан мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 16 январдаги солиқ тушумларини кўпайтириш ва яширин иқтисодиётга қарши курашиш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқида “Яширин иқтисодиёт бу иқтисодиётимиз ривожига тўсиқ бўлаётган энг катта иллатлардан биридир. У нафақат давлат бюджетига тушумларни камайтиради, балки ҳалол тадбиркорлар учун тенг бўлмаган рақобат муҳитини юзага келтиради. Биз жиноий фаолиятдан олинган даромадларни



легаллаштиришнинг ҳар қандай кўринишига чек қўйишимиз шарт.”¹, дея таъкидладилар.

Ҳақиқаттан ҳам, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш замонавий глобал иқтисодиётнинг энг хавфли трансмиллий таҳдидларидан бири бўлиб, у нафақат молиявий тизим барқарорлигига, балки давлатларнинг суверен хавфсизлигига ҳам бевосита раҳна солади. Ушбу ҳодисанинг иқтисодий моҳиятини англаш учун аввало унинг назарий асосларига эътибор қаратиш лозим.

Илмий адабиётларда ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда “пул ювиш” тушунчаси турлича талқин этилади. Масалан, Д.Масчиандаро² ва Б.Унгер³ каби хорижлик олимлар бу жараёни ноқонуний капиталнинг қонуний айланмага интеграциялашуви сифатида кўриб чиқишади. Уларнинг фикрича, легаллаштириш бу шунчаки жиноят изини яшириш эмас, балки жиноий маблағларга қонуний “харид қобилияти”ни бахш этишдир.

Бу ерда иқтисодий полемика яъни илмий мунозара вужудга келади: айрим иқтисодчилар пул ювишни иқтисодиётга қўшимча ликвидлик олиб кирувчи омил деб ҳисоблашса⁴, аксарият олимлар, жумладан, М.Леви⁵ ва П.Рейтер⁶ бу жараён бозордаги ҳалол рақобатни ўлдиришини ва инвестицион муҳитни заҳарлашини илмий исботлашга ҳаракат қилганлар.

Иқтисодий нуқтаи назардан легаллаштириш жараёни учта классик босқичга (жойлаштириш, табақалаштириш ва интеграция) бўлинса-да, ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида бу чегаралар ювилиб кетмоқда⁷.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳуқуқий жиҳатлари Ўзбекистон қонунчилигида, хусусан Жиноят кодексининг 243-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 16 январдаги солиқ тушумларини кўпайтириш ва яширин иқтисодиётга қарши курашиш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. // <https://president.uz/uz мурожаат санаси 22.01.2026 йил>

² Masciandaro, D. Money laundering and its effects on crime: a macroeconomic approach [Text] // Research Handbook on Money Laundering / ed. by B. Unger, D. van der Linde. — Cheltenham : Edward Elgar Publishing, 2013. — P. 47–56.

³ Unger, B. The Scale and Impacts of Money Laundering [Text] / B. Unger. — Cheltenham : Edward Elgar Publishing, 2007. — 240 p.

⁴ Walker, J. Measuring Global Money Laundering: The Walker Gravity Model [Text] / J. Walker, B. Unger // Review of Law and Economics. — 2009. — Vol. 5, No. 2. — P. 821–854.

Рахимов, Р. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича молиявий тергов ўтказишни такомиллаштириш масалалари [Текст] : монография / Р. Рахимов ; Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси. — Тошкент : Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2023. — 210 б.

Хотамов, И. С. Банк тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш механизмларини такомиллаштириш [Текст] : и. ф. н. ... дисс. автореф. / И. С. Хотамов ; ЎзР Банк-молия академияси. — Тошкент, 2021. — 48 б.

⁵ Levi, M. Money Laundering [Text] / M. Levi, P. Reuter // Crime and Justice: A Review of Research. — Chicago : University of Chicago Press, 2006. — Vol. 34. — P. 289–375.

⁶ Reuter, P. Chasing Dirty Money: The Fight Against Money Laundering [Text] / P. Reuter, E. M. Truman. — Washington, DC : Institute for International Economics, 2004. — 248 p.

⁷ Dictionary of Banking and Finance [Text]. — 3rd ed. — London : A & C Black Publishers Ltd, 2005. — 360 p.



моддасида ўз ифодасини топган⁸. Бироқ, амалиётда ушбу моддани қўллашда жиддий назарий муаммолар мавжуд. Предикат жиноят, яъни даромаднинг айнан қайси жиноят орқали топилганини исботлаш мажбурияти кўпинча асосий тўсиқ бўлиб хизмат қилади, бундан ташқари жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятининг объекти сифатида жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар назарда тутилганлиги, бундай жиноят учун алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатлар назарда тутилмаганлиги, хусусан мансабдор шахсларнинг бундай фаолиятига бевосита ёки билвосита кўмак бериши ва бошқалар инобатга олинмаганлиги ушбу жиноят бўйича ҳуқуқий муммолар сирасига киради, деб ҳисоблаймиз.

Жиноий даромадни легаллаштириш масалаларининг келиб чиқиши ва илк бор бу атамаларнинг қўлланилиши борасидаги тарихий тадқиқотлар муқаддам Р.Х.Рахимовнинг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича молиявий тергов ўтказишни такомиллаштириш масалалари”⁹ мавзусидаги магистрлик диссертация иши доирасида кўриб чиқилганлигини ҳамда етарлича ёритилгалигини инобатга олган ҳола фақатгина асосий фактларни келтириб ўтишни жоиз топдик.

Хусусан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш тушунчаси XX асрнинг 20-йилларида АҚШда вужудга келиб, асосан спиртли ичимликларни тақиқлашга қаратилган 18-тузатиш (1920 йил) натижасида шаклланган ноқонуний бозор муносабатлари билан боғлиқдир¹⁰. Ушбу тақиқ аҳоли ўртасида салбий қабул қилиниб, спиртли ичимликларнинг яширин ишлаб чиқарилиши, контрабандаси ва ноқонуний савдосини кенг ёйилишига сабаб бўлди. Натижада уюшган жиноий гуруҳлар катта миқдорда жиноий даромад орттириб, уни қонуний муомалага киритиш зарурати вужудга келди.

Мазкур магистрлик диссертация бўйича олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда жиноий даромадларни легаллаштириш рисклари асосан қуйидаги соҳаларда юқорилигича қолмоқда:

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси Олтинчи бўлим Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар // <https://www.lex.uz/acts/111453> мурожаат санаси 12.12.2025 йил

⁹ Рахимов Р.Х. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича молиявий тергов ўтказишни такомиллаштириш масалалари // магистрлик диссертация иши Тошкент – 2022 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси Б.126

¹⁰ Шашкова А.В. Зарождение понятия «легализация» (отмывание) доходов, полученных преступным путем. Вестник МГИМО-Университета. 2011;(3(18)): 272 б. <https://doi.org/10.24833/2071-8160-2011-3-18-272-274>



Кўчмас мулк бозорида нақд пул айланмасининг юқорилиги сабабли жиноий маблағларни активларга айлантиришнинг энг қулай воситаси сифатида қолмоқда¹¹;

Хусусан, 2025 йил якунларига кўра, Ўзбекистонда кўчмас мулк бозорида фаоллик сезиларли даражада кучайди. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази таҳлилига кўра, йил давомида уй-жой олди-сотди битимлари сони 295 мингтага етди, бу ўтган йилга нисбатан 15 фоиздан ортиқ ўсиш демакдир.

Энг юқори ўсиш суръатлари ҳудудлар кесимида кузатилди. Хусусан, Бухоро (25,7%), Сирдарё (23,3%) ва Самарқанд (19,7%) вилоятлари бозор фаоллиги бўйича етакчилар қаторига чиқди. Шу билан бирга, республика бўйича барча битимларнинг қарийб 30 фоизи Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келиб, пойтахтда 84 мингга яқин битим амалга оширилди.

Нархлар масаласида эса иккиламчи уй-жой бозорида ўсиш мўътадил, аммо барқарор бўлди. Республика бўйича ўртача нархлар 8 фоизга ошди (2024 йилда 6,2%). Айниқса, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистонда уй-жой нархлари йил давомида 17 фоизгача ўсди.

Энг қиммат уй-жойлар анъанавий равишда пойтахтда сақланиб қолди. Самарқанд вилоятида бир квадрат метр нархи 834 доллар, Тошкент вилоятида эса 682 долларни ташкил этди. Энг арзон уй-жойлар эса Қорақалпоғистонда — 378 доллар атрофида қайд этилди.

Тошкент шаҳрида бозорда турли йўналишдаги ҳаракатлар кузатилди. Иккиламчи бозорда ўртача нарх деярли ўзгармади (+0,6%) ва 1 100 доллардан ошди, айрим туманларда эса (Мирзо Улуғбек, Чилонзор) 5 фоизгача пасайиш кузатилди. Бирламчи бозорда аксинча, нархлар 9 фоиздан кўпроқ ўсди, энг катта ўсиш Миробод (18%), Яшнобод (14%) ва Мирзо Улуғбек (13,5%) туманларида қайд этилди¹².

Товар ва хизматлар савдосида импорт-экспорт операцияларида нархларни сунъий равишда пасайтириш ёки ошириш орқали капитални мамлакатдан олиб чиқиб кетиш схемалари мавжудлиги;

Виртуал активлар масаласида крипто-биржалар фаолиятининг кенгайиши билан шубҳали транзакцияларни кузатиш (tracing) жараёни мураккаблашганлиги ва бошқалар.

¹¹ Нархлар тўхтовсиз ўсаётганига қарамай уй олувчилар сони кўпаймоқда //2025 йилда Ўзбекистонда кўчмас мулк бозорида битимлар 15%га ошди

¹² Нархлар тўхтовсиз ўсаётганига қарамай уй олувчилар сони кўпаймоқда //2025 йилда Ўзбекистонда кўчмас мулк бозорида битимлар 15%га ошди // <https://t.me/uzdiplommat/13053>



Тўғри юқоридаги хавфларни минималлаштириш бўйича давлатимиз томонидан ислохотлар ва зарурий чоралар кўриб борилмоқда. Масалан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 декабрдаги “Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-246-сон Фармонида мувофиқ 2026 йил 1 апрелдан бошлаб қуйидаги 6 турдаги савдо ва хизматлар учун тўловлар тўлиқ нақд пульсиз шаклда амалга оширилиши белгиланди:

давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар;

электр энергияси, табиий газ, ичимлик сувидан фойдаланганлик учун тўловлар;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдоси;

транспорт воситаларига ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали аҳолига нефть-газ маҳсулотларини сотиш ва электрда ҳаракатланадиган транспорт воситаларини зарядлаш бўйича хизматлар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ташқари қиймати 25 миллион сўмдан ошадиган товар ва хизматлар савдоси;

кўчмас мулк объектлари, ишлаб чиқарилганига ўн йилдан ошмаган М, Н, О ва Г тоифага кирувчи транспорт воситалари ҳамда махсус автотранспорт воситаларини сотиш ва сотиб олиш.

Юқоридаги фармон бевосита кўчмас ва кўчар мулклар бозорида молиявий оқимларни назорат қилиш имконини берса, бошқа жиҳатдан яширин иқтисодиётга қарши курашишда легаллаштириш схемалари ва уларни аниқлаш усуллариини такомиллашувига шароит яратиб беради, деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда ушбу турдаги процессуал ва непроцессуал фаолият билан боғлиқ барча ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 январдаги “Яширин иқтисодиётга қарши курашиш соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ваколатига берилди ва тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 345,381-моддаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди¹³.

¹³ Матназаров О. Яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгиланди // <https://kun.uz/kr/news/2024/01/18/yashirin-iqtisodiyotga-qarshi-kurashish-boyicha-davlat-siyosatining-ustuvor-yonalishlari-belgilandi> муржаат санаси 14.09.2025 йил



Бироқ банклар орқали жиноий даромадларни легализация қилиш ҳолатларни аниқлашда, нафақат тезкор-қидирув фаолияти, балки замонавий молиявий назорат шакллари хам жорий этиш истиқболларини муҳокама қилиш лозим.

Юридик фанда легаллаштиришни мустақил жиноят сифатида малакаш ва “тушунтирилмаган бойлик” концепциясини татбиқ этиш бўйича илмий таклифлар долзарб аҳамият касб этмоқда. Иқтисодий моҳият нуқтаи назаридан, жиноий даромадларнинг легаллаштирилиши давлат бюджетининг солиқ тушумларини камайтириб, яширин иқтисодиёт улушини оширади, бу эса миллий хавфсизликка бевосита таҳдид солади.

Шу сабабли, замонавий илмий ёндашув ҳуқуқий санкцияларни молиявий технологиялар (RegTech) билан синтез қилишни ва банк тизимида сунъий интеллект ёрдамида шубҳали ҳаракатларни превентив аниқлаш тизимини яратишни тақозо этмоқда. Бу каби комплекс чоралар нафақат жиноий капитал айланмасини чеклайди, балки мамлакатнинг халқаро молиявий обрўсини ва инвестицион жозибадорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Банк тизимида жиноий даромадларни легаллаштириш” (ЖДЛ) тушунчаси халқаро миқёсда ва Ўзбекистонда кўплаб олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, уларнинг ёндашувлари мазкур ҳодисанинг ҳуқуқий, иқтисодий ва криминалистик жиҳатларини қамраб олади.

“Жиноий даромадларни легаллаштириш” умумэътироф этилган халқаро стандартларга эга бўлса-да, миллий олимлар уни турли нуқтаи назардан таҳлил қилишади:

М.Х.Рустамбаев бошчилигидаги олимлар ЖДЛни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси нормалари асосида талқин қиладилар. Уларнинг таърифларида ноқонуний йўл билан олинган мулк ёки даромадларни қонуний айланмага киритиш мақсадида амалга оширилган молиявий операцияларнинг жиноий-ҳуқуқий таснифига эътибор қаратилади¹⁴.

А.В.Вахабов бошчилигидаги иқтисодчи олимлар ЖДЛни “хуфёна иқтисодиётнинг асоси” сифатида кўриб, унинг давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига, молиявий барқарорлигига ва миллий валюта қадрига етказадиган зарарини таҳлил қиладилар. Улар, шунингдек, Халқаро валюта

¹⁴ Рустамбаев, М. Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм [Матн] / М. Х. Рустамбаев. – Тошкент : Юридик адабиётлар publish, 2021. – 960 б.



жамғармаси маълумотларига асосланиб, бу жиноятнинг глобал миқёсини ўрганганлар¹⁵.

“Банк тизимида жиноий даромадларни легаллаштириш схемалари”ни аниқлашга оид илмий ишларда қуйидаги ёндашувлар учрайди:

Криминалистика соҳаси мутахассислари жиноий даромадларни легаллаштириш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ва методикаларни ишлаб чиқадилар. Улар молиявий тергов ўтказишнинг ўзига хос масалаларини тадқиқ қилганлар¹⁶.

Шунингдек Е.А.Соломатина “...жиноятчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан, крипто-активлардан фойдаланган ҳолда амалга ошираётган трансчегаравий молиявий операцияларига алоҳида эътибор қаратиб, бундай схемаларни фош этишнинг янги усулларини таклиф этган¹⁷.

Бундан ташқари баъзи тадқиқотчилар бундай тушунчаларни шакллантиришда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича ФАТФ (FATF) тавсиялари ва халқаро конвенциялар асосида миллий тизимни такомиллаштириш йўлларини ўрганадилар.

Умумлаштириб айтганда, олимларнинг ёндашувлари ЖДЛнинг кўп қиррали муаммо эканлигини, унинг таърифи халқаро ҳуқуқ нормалари ва миллий қонунчилик асосида доимий равишда аниқлаштирилиб борилишини, схемаларни аниқлаш эса комплекс, ҳуқуқий ва иқтисодий билимларни талаб қилишини кўрсатади.

М.Х.Рустамбаев “Жиноий даромадларни легаллаштиришни миллий иқтисодиётга таҳдид солувчи ижтимоий хавфли қилмиш сифатида баҳолайди”. Унинг ёндашувида асосий урғу жиноий жавобгарлик ва квалификация масалаларига қаратилган бўлиб, легаллаштириш предикат жиноят (масалан, ўғрилик ёки коррупция) билан узвий боғлиқлиги таъкидлайди¹⁸.

¹⁵ Вахабов, А. В. Иқтисодий хавфсизлик [Матн] : дарслик / А. В. Вахабов, Ш. Х. Хажибакиев, Н. Г. Муминов. – Тошкент : Университет, 2015. – 320 б. (Жиноий даромадларнинг иқтисодий барқарорликка таъсири бўйича).

¹⁶ Яни, П. С. Легализация преступно нажитого имущества: научно-практический комментарий к ст. 174 и 174.1 УК РФ [Текст] / П. С. Яни. – М. : Система ГАРАНТ, 2016. – 120 с.

¹⁷ Соломатина, Е. А. Криминологическая характеристика и предупреждение легализации (отмывания) денежных средств или иного имущества, приобретенных преступным путем [Текст] : автореф. дис. ... канд. юрид. наук / Е. А. Соломатина. – М., 2010. – 26 с.

¹⁸ Рустамбаев, М. Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм [Матн] / М. Х. Рустамбаев. – Тошкент : Юридик адабиётлар publish, 2021. – 960 б.



С.Насруллаев мазкур жиноятларни жаҳон миқёсидаги долзарб масала деб ҳисоблаб, БМТ конвенциялари ва халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарурлигини илгари суради¹⁹.

М.Курбанов "...банк тизимидаги ноқонуний молиявий операцияларнинг тушунчаси ва халқаро стандартларини таҳлил қилган. Унинг позицияси банк соҳасидаги ички назорат механизмларини такомиллаштириш орқали схемаларни фош этишга йўналтирилган"²⁰.

Юқоридаги олимларнинг фикрлари ўзлари тадқиқ этган соҳа ихтисосликларидан келиб чиққанлигини англаш мушкул эмас, уларнинг барчаси миллий ва халқаро ҳуқуқий нормалар асосида шакллантирилганлигини унутмаслик лозим.

Бундан ташқари, кўпчилик тадқиқотларда трансчегаравийлик омили етарлича чуқур таҳлил қилинмаган. Глобал миқёсда бир нечта юрисдикцияларни қамраб олган мураккаб схемаларни тергов қилиш миллий ҳуқуқ доирасидаги ёндашувлардан кескин фарқ қилади.

Шунингдек, олимларнинг ёндашувларида "комплаенс" (compliance) маданиятининг банк ходимлари онгидаги ўрни ва инсон омилининг роли кўпинча инобатга олинмайди. Яъни, қоидабузарликлар фақат техник камчиликлар ёки ҳуқуқий бўшлиқлар туфайли эмас, балки банк ходимларининг қасддан содир этган хатти-ҳаракатлари ёки эҳтиётсизлик туфайли ҳам содир бўлади.

Мавжуд илмий-назарий қарашларни ҳамда замонавий молиявий тенденцияларни (рақамли технологиялар, крипто-активлар ва трансчегаравийлик) инобатга олган ҳолда, "Банк тизимида жиноий даромадларни легаллаштириш" тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифини таклиф этамиз:

"Банк тизимида жиноий даромадларни легаллаштириш бу жиноий фаолият натижасида олинган маблағларнинг асл манбасини, жойлашган ерини ва ҳақиқий эгасини яшириш мақсадида, анъанавий банк воситалари ҳамда замонавий финтех (рақамли активлар) имкониятларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, уларга қонуний тус беришга қаратилган мураккаб ва кўп босқичли иқтисодий-ҳуқуқий жараёндир."

¹⁹ Насруллаев, С. К. Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш жиноятларини квалификация қилиш ва тергов қилиш муаммолари [Матн] / С. К. Насруллаев. – Тошкент : ТДЮУ нашриёти, 2019. – 185 б.

²⁰ Курбанов, М. А. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг ҳуқуқий муаммолари [Матн] : юрид. фан. докт. ... дисс. / М. А. Курбанов. – Тошкент : ТДЮУ, 2018. – 280 б.



Шу билан бирга легаллаштириш жараёнининг аниқ босқичларини ифодалаш билан боғлиқ ҳолатлар легаллаштиришнинг классик уч босқичи аниқ кўрсатилиши зарурати, гибрид схемаларни қамраб олиши, тизимлилик ва мақсадга йўналтирилганлик, криминалистик аниқликлик каби мезонларни инобатга олган ҳолда, “Банк тизимида жиноий даромадларни легаллаштириш схемалари” тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифини таклиф этамиз:

“Банк тизимида жиноий даромадларни легаллаштириш схемалари бу жиноий фаолиятдан олинган маблағларни легаллаштиришнинг уч босқичли (жойлаштириш, табақалаштириш ва интеграциялаш) жараёнини амалга оширишга хизмат қиладиган, ўзаро боғлиқ ва олдиндан пухта режалаштирилган, анъанавий банк хизматларини (ҳисобварақлар очиш, пул ўтказмалари) рақамли молиявий воситалар (криптовалюта айирбошлаш шохобчалари, электрон ҳамёнлар) билан чамбарчас боғлайдиган молиявий операциялар мажмуидир.”

Технологик ёндашув эгалари Kute, Irshad, Weber каби замонавий тадқиқотчилар схемаларни аниқлашни сунъий интеллект (AI) ва машинавий ўрганиш (ML) асосидаги жараён сифатида тавсифлайдилар. Уларнинг таърифида катта ҳажмдаги маълумотларни реал вақтда таҳлил қилиш ва аномал ҳолатларни аниқлашга урғу берилади²¹.

Бизнингча санаб ўтилган ёндашувларнинг барчасида қуйидаги замонавий муаммолар етарлича инобатга олинмаган деб ҳисоблаймиз:

анъанавий таърифлар кўпинча фақат расмий, марказлашган банк тизимига эътибор қаратилган бўлиб, улар марказлашмаган молия (DeFi) платформалари ва криптовалюталар орқали амалга ошириладиган мураккаб легаллаштириш схемаларини аниқлаш механизмларини тўлиқ қамраб олмайди;

²¹ Kute, S. S. Machine Learning and Deep Learning Techniques for Financial Fraud Detection: A Comprehensive Review [Text] / S. S. Kute, M. Y. Ghalat // International Journal of Advanced Computer Science and Applications (IJACSA). – 2024. – Vol. 15. – No. 2. – P. 112–125. (Сунъий интеллект ёрдамида банк тизимидаги фирибгарлик схемаларини аниқлаш бўйича).

Irshad, M. Anti-Money Laundering (AML) in the Era of Digital Currencies: Challenges and Opportunities [Text] / M. Irshad, S. Ahmad // Journal of Financial Crime. – 2025. – Vol. 32. – No. 1. – P. 45–60. (Рақамли валюталар даврида AML тизимлари ва схемаларни аниқлаш муаммолари).

Weber, M. Anti-Money Laundering in Bitcoin: Experimenting with Graph Convolutional Networks [Electronic resource] / M. Weber, G. Giacomo, P. Chen [et al.] // arXiv.org. – 2019. – URL: arxiv.org (дата обращения: 31.01.2026). (Мазкур иш "Elliptic Data Set" асосида бўлиб, банк ва крипто-тизимлардаги занжирли схемаларни аниқлашда фундаментал ҳисобланади).

Weber, M. Scalable Graph Learning for Anti-Money Laundering: A Case Study on Financial Networks [Text] / M. Weber // Proceedings of the 2024 KDD Workshop on Financial Secrecy and AML. – Barcelona, 2024. – P. 204–215. (Молиявий тармоқлардаги (схемалардаги) шубҳали ҳаракатларни график моделлаштириш орқали аниқлаш бўйича).



кўпгина таърифлар миллий даражадаги аниқлаш воситаларини тавсифлайди, аммо бир нечта юрисдикциялар ва офшор зоналарни қамраб олган трансчегаравий схемаларни аниқлашнинг халқаро ҳуқуқий қийинчиликлари ва ҳамкорлик механизмлари чуқур таҳлил қилинмаганлиги кўринади;

схемаларни аниқлаш кўпинча техник ёки ҳуқуқий жараён сифатида қаралади, бироқ банк ходимларининг хабардорлиги, ахлоқий маданияти ва уларнинг онгли равишда жинойий схемаларга шерик бўлиши ёки эътиборсизлиги каби инсон омиллари етарлича инобатга олинмаганлигини кузатиш мумкин;

классик таърифлар аниқлаш жараёнининг доимий янгиланиб боровчи хусусиятини ва янги пайдо бўлаётган таҳдидларга тезкор мослашиш заруратини кўрсатади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, “Банк тизимида жинойий даромадларни легаллаштириш схемаларини аниқлаш” тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифини таклиф этамиз:

“Банк тизимида жинойий даромадларни легаллаштириш схемаларини аниқлаш бу ноқонуний олинган маблағларнинг ҳаракатини кузатиш, уларнинг асл манбаини ва якуний бенефициар мулкдорини (эгасини) аниқлашга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, криминалистик ва технологик чора-тадбирлар мажмуидир. Ушбу жараён анъанавий молиявий мониторинг усуллари сунъий интеллектга асосланган аномалияларни аниқлаш тизимлари билан уйғунлаштиришни, шунингдек, трансчегаравий операциялар ва рақамли активлар (криптовалюта) билан боғлиқ таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда доимий янгиланиб турувчи динамик фаолиятни англатади.”

References:

1. Formica S, Uysal M. Destination attractiveness based on supply and demand evaluations: An analytical framework. Journal of Travel Research. 2006 May;44(4):418-30.
2. Tepeci M, Seo WS, Upneja A, DeMicco FJ. Supply and demand for hospitality/tourism management faculty in the United States. Journal of Hospitality & Tourism Education. 2001 Apr 1;13(2):39-46.
3. Kaosa-ard M, Bezic D, White S. Domestic tourism in Thailand: supply and demand. In The native tourist 2013 Dec 2 (pp. 109-141). Routledge.
4. Ioannides D. Tour operators: the gatekeepers of tourism. In The economic geography of the tourist industry 1998 Apr 2 (pp. 155-174). Routledge.



5. Sheldon PJ. The tour operator industry: an analysis. Annals of tourism research. 1986 Jan 1;13(3):349-65

